ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 36 (314) 2002 йил 4 сентябрь, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ

МУРОДИГА ЕТГАН МУРОДУЛЛА...

Муродулла САИДОВ Юртбошимиз томонидан шундай олий унвонга лойиқ топилгани ҳақидаги хабарни эшитганида табиийки, кўзларидан севинч ёшлари қуйилди. Олтмиш етти ёшга қадам қўйгач, суяги меҳнатда қотган фидойи инсон учун «Ўзбекистон қаҳрамони» бўлиш юксак шараф ва катта бахт эди. Беихтиёр бундан ўн беш йил олдинги воқеалар ёдига тушди...

Муродулла ака ўшанда қарзга ботган, меҳнат интизоми ва уюшқоқлик бўшаштириб юборилган, моддий манфаатдорлик йўқлиги учун одамларнинг ишдан кўнгли совиган бир пайтда Усмон Юсупов номли туманнинг «Жейнов» хўжалиги раислигини қабул қилиб олди.

Уч мингдан ортиқ оилада яшаётган 18 минг аҳолини боқиш осон эмас, албатта. Аниқ ва равшан фикрлайдиган зукко раҳбаргина бунинг уддасидан чиқади. Муродулла аканинг қаттиққўллиги, талабчанлиги дастлаб кўпларга ёқмади. Одамларнинг моддий манфаатдорлиги ошиб боргани сари раҳбарга ишончи янада ортди. Жамоада режалар бажарилиб, ишлар ўнгланиб кетди.

Ўн уч нафар ака-укалари орасида Муродулла ака ёшликдан деҳқончиликка меҳр қўйганди. У киши 1957 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини битириб, агрономликдан фаолиятини бошлади. Оддий ҳосилотликдан Касби тумани раҳбарлиги, вилоятдаги нуфузли ташкилотларнинг раҳбари даражасига кўтарилган Муродулла Саидов ўзининг фидойи меҳнати билан одамлар ҳурматини қозонди.

Биргина ўтган йили ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларидан 1 миллиард 10 миллион 697 минг сўм даромад олинди. Шундан 340 миллион 485 минг сўми соф фойдадир. Жорий йилнинг ўтган даврида 4361 тонна дон етиштирилиб, 262 миллион сўм даромад олинди. Хўжаликда 385 минг АҚШ доллари эвазига чет элдан замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилиб, 2 хилдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона фойдаланишга топширилди. Ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги яхшиланаяпти. Ҳиссадорларга 35 миллион сўм дивидент тарқатилди.

- Жорий йилда 1 миллиард 353 миллион сўм даромад олиш режалаштирилган, - дейди биз билан суҳбатда Муродулла ака. – Қишлоқда 10 мингга яқин аҳоли яшайди. 1960 нафар нафақахўрлар, 3600 дан ортиқ ўқувчиларимиз бор. Хўжалик ўз касалхонаси ва бозорига эга. Дори-дармонларга ширкат ҳисобидан пул тўланса, бозорга ҳар ҳафтада 3-4 тадан мол берилиб арзон нархда гўшт сотилади.

Бугунги кунда хонадонларимиз деярли тўлиқ газлаштирилган, ичимлик суви билан таъминланган. Жейнов, Айзабод ва Булуч қишлоқларидаги ички йўллар асфальтлаштирилган. Хўжаликда 624 ўринли 4 та мактаб, 140 ўринли 2 та болалар боғчаси, иккита савдо маркази, 15 та дўкон, 60 ўринли чойхона, маиший хизмат кўрсатиш уйи, халқ банки бўлими ишламоқда. Бизнинг хўжаликни ҳам катта бир маҳаллага ўхшатиш мумкин. Маҳалла оқсоқоллари менинг энг фаол кўмакчиларим, маслаҳатчиларим.

Янги ўқув йили арафасида 900 ўринли саноат коллежи қуриб битказилди. Ушбу «Қарияларни қадрлаш йили»да «Қашқадарё соҳили» санаторийсига 736 минг сўм маблағ ўтказилиб, 10 нафар уруш фахрийлари у ерда соғликларини тиклаб қайтдилар, 60 нафарига қимматбаҳо совғалар топширилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан 43 тасига хўжалик ҳисобидан 4500 килограмм буғдой, 480 килограмм ўсимлик мойи, 680 нафар нафақахўрга 200 тоннадан зиёд дон ва 6500 килограмм пахта мойи тарқатдик...

Муродулла акани қишлоқдошлари «Жадди» деб эъзозлашади. Бу жейновликлар шевасида бобо, яъни ёшулли, дегани. Муродулла ота турмуш ўртоғи Салтанат опа билан 6 та фарзандни тарбиялаб, камолга етказдилар. Ўғил-қизлари жамиятимизга муносиб кишилар бўлиб тарбия топган. Муродулла аканинг ҳаётига, унинг оиласига кўпчилик ҳавас қилади. Ҳавас қилсалар ҳам арзийди, чунки Муродулла ака муродига етган инсон.

Иззат ҲИКМАТОВ.
Қашқадарё.

Ўзбекистон Қаҳрамони Муродилла САИДОВ маҳалла отахонларини мунтазам суҳбатга чорлаб туради.

Муносабат

МУНОЗАРАЛАР МИНБАРИ БЎЛСИН

Биз, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Шайхонтоҳур маҳалла фаоллари тизимимиз нашри бўлмиш «Mahalla» газетасини мунтазам ўқиб борамиз. Мазкур газета кейинги пайтларда,мазмунли ва газетхонларга маъқул ва манзур бўладиган мақолаларни босмоқда. Айниқса, маҳаллалар ҳаёти, оқсоқоллар фаолияти ҳақида, шунингдек, баъзи камчилик ва нуқсонлар тўғрисида ҳам пишиқ-пухта материаллар босилмоқда. Айни пайтда ҳукуматимизнинг, шахсан Юртбошимизнинг маҳаллалар ҳақ-ҳуқуқи ва ваколатларини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлари яхши ёритиб берилмоқда. Газетанинг сермазмун ва сифатли чиқишида газета ходимларининг ҳиссаси катта, албатта. Бунинг учун биз, газетхонлар сизларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Шунингдек, газетада маҳаллалар фаолиятини, маҳалла муаммоларини янада кенгроқ, чуқурроқ ёритилишини истар эдик. Жумладан, кўпроқ эски маҳаллалар тажрибаси ва кўп қаватли уйлар муаммоси кенг ёритилишини хоҳлардик. Бу муаммоларга оид баҳсли, мунозарали мақолалар кўпроқ берилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шайхонтоҳур маҳалласининг кенгаш маслаҳатчилари:
Х.ТЎЙЧИЕВ,
истеъфодаги полковник,
Б.БУРХОНХЎЖАЕВ,
Ф.АБДУЛЛАЕВ,
меҳнат фахрийлари.

Самарқанд

Байрам шукуҳи

МАҲАЛЛА МАРКАЗИ

МУҲТАШАМ БИНОДА ИШ БОШЛАДИ

Бир пайтлар маҳалла идораси деганда мослаштирилган кўримсиз бино кўз олдимизга келарди. Бу идоранинг борлигини ҳам биров билиб, биров билмасди. Мустақилликдан сўнггина маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, аниқроқ қилиб айтганда чинакам демократия дарсхонасига айланди!

Бу оддий сўзлар эмас. Эндиликда маҳаллада нафақат бу жойда яшовчиларнинг муаммолари, балки жамият ҳаётига алоқадор муҳим масалалар ҳал этилади. Кейинги йилларда маҳалла идоралари учун энг кўркам бинолар ажратилиб, бу масканда узоқ йиллик ҳаёт тажрибасига эга бўлган зиёли кишилар иш олиб боришаётир. Одамлар бугун фақат ўз шахсий муаммоларинигина эмас, балки ёш авлод тарбияси, юрт тараққиёти билан боғлиқ катта режаю мақсадларини ҳам маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашишади.

Вилоят ва шаҳарлардаги жамики маҳаллалар ишини назорат қилиб, зарур ҳолларда уларга йўл-йўриқ ва амалий ёрдам кўрсатадиган Маҳалла марказлари бирин-кетин бунёд этилмоқда. Бундай Марказларнинг иш юритиши учун эса энг кўркам ва замонавий бинолар ҳозирланаётир. Самарқанд вилоятида ана шундай марказнинг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Барча қулайликларга эга бўлган улкан бинонинг бир қисми Маҳалла Маркази ихтиёрига берилди. Бир қисмида эса «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими иш бошлади. Эндиликда бу жойда маҳаллалар ҳаётига оид зарур масалалар муҳокама этилади, турли тадбир ва тантаналар ўтказиш, ҳатто кам даромадли хонадонлар фарзандларининг тўйларини ўтказиб бериш режалари ҳам амалга оширилади.

Маҳалла Марказининг очилиши катта байрам тусини олди. Маҳалла фаоллари, йирик олимлар, шоир ва адибларнинг ҳаяжонли сўзлари, санъаткорларнинг куй-қўшиқлари даврага файз киритди. Тантанали маросимда иштирок этган Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари Ниғмат АБДУЛЛАЕВ Маҳалла марказининг ташкил этилишида ташаббус кўрсатган ва унинг фаолият юритиши билан боғлиқ юмушларда бош-қош бўлган вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг «Маҳалла жонкуяри» фахрий нишонини топширди. Йиғинда кўпчилик маҳалла фаоллари ва кексаларга Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги муносабати билан эсдалик совғалари берилди. Ушбу тантаналар байрам шодиёналарига уланиб кетганлиги билан ҳам бу ерда йиғилганларнинг хотирасида узоқ вақтгача сақланиб қолади десак асло янглишмаган бўламиз.

Ўз мухбиримиз.

MAHALLA га жавоб берадилар

«MAHALLA»да босилгач...

«... ЭНДИ УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ!»

Газетамизнинг 2002 йил 24 июлдаги сонида чоп этилган «Нақд пул таъминотида узилишлар» номли мақолада «Пахта-банк»нинг Жиззах вилояти Пахтаобод туманидаги бўлимида нақд пул таъминотидаги узилишлар туфайли аҳоли нафақаларини ўз вақтида ололмаётганлиги танқид қилинганди. Ушбу мақола юзасидан қуйидаги мазмунда жавоб хатини олдик:

«Нақд пул таъминотида узилишлар» номли мақола Марказий банкнинг Жиззах вилояти бош бошқармасида тижорат банклари раҳбарлари ҳамда тегишли туман ҳокимларининг иқтисод бўйича ўринбосарлари иштирокида муҳокама қилинди. «Пахта-банк»нинг Пахтакор туман бўлими бошлиғи Х.Илёсовга йўл қўйган камчилик ва хатолари учун меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда ҳайфсан эълон қилинди. Келгусида вилоятнинг барча тижорат банкларига иш ҳақи ва иш ҳақига тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

М.ЖУМАГАЛДИЕВ.
Ўзбекистон Марказий Банки раисининг биринчи ўринбосари

«MAHALLa» мухбири аралашгач...

ХУРСАНОВА ХУРСАНД БЎЛДИ!

Таҳририятга Сурхондарё вилояти Бойсун тумани фуқароси Хурсанова Гулчеҳрадан шикоят хати келганди. Биз мактубнинг мазмунидан шикоятчининг 1995 йилдан буён II гуруҳ ногирони экани, бу йилги тиббий кўрикда эса унга III гуруҳ ногиронлиги берилганини англадик. Г.Хурсанова бундан норози бўлиб, биздан нажот сўраган эди. Ушбу хатни Сурхондарё вилояти бўйича мухбиримиз Омон Шукуровга йўлладик.

Айни кунда Г.Хурсановадан яна бир мактуб олдик. Бу галги мактуб олдингисидан фарқли ўлароқ арзнома эмасди. Унда ёзилишича, мухбиримизнинг аралашувидан кейин Г.Хурсанова қайта тиббий кўрикдан ўтказилибди. Маълум бўлишича, Г.Хурсанова чиндан ҳам II гуруҳ ногирони экан, тегишли мутасаддилар тиббий кўрик пайтида эътиборсизликка йўл қўйишган, холос!

МАҲАЛЛА ФУТБОЛИ БМТ НИГОҲИДА

Ёшларни ижтимоий ҳаётга, фойдали, намунали, мазмунли, соғлом умргузаронликка ўргатишда муҳим омиллардан бирига айланиб бораётган «Футболимиз келажаги» маҳалла кўрик-танлови ўйинлари тобора кўпроқ мухлисларнинг эътиборини тортмоқда. Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Ойбек номли маҳалла ёш футболчиларига Ўзбекистон ҳукумати ва БМТнинг ВИЧ(СПИД) ва гиёҳвандликнинг олдини олиш лойиҳаси раҳбари, Тиббиёт фанлари доктори, профессор Шоназар Шоваҳобов эсдалик «Биллур кубок»ни топширишгани ҳам бунга бир мисол.

Маълумки, ҳозирги вақтда ер юзида гиёҳвандлик балоси асримизнинг вабоси сифатида намоён бўлиб бормоқда. Афсуски, бу офат домига ёшлар ҳам илиниб қолмоқдалар. Гиёҳвандликнинг олдини олиш учун барча чора-тадбирларни кўриш барчамизнинг масъулиятли бурчимиздир. Ундан моддий даромад орттириш мақсадида тижорат қилувчиларга қарши курашиш, ёшларнинг унинг қурбони бўлиб қолишининг олдини олиш кенг жамоатчиликни, маҳалла фуқаролар йиғинларини бефарқ қолдирмаслиги керак. Буни яхши англаган филолог олим, фан номзоди Мамасодиқ Ҳусаинов раислик қилаётган Ойбек номидаги маҳалла фаоллари кишилар ўртасида бу разолат манбаи саналган гиёҳвандлик, унинг таъсирида келиб чиқадиган зарарлар ҳақида тушунтириш, маълумотлар беришни йўлга қўйдилар. Ўзбекистон Ҳукумати ва БМТнинг ВИЧ(СПИД) ва гиёҳвандликни олдини олиш лойиҳаси билан ҳамкорликда қатор суҳбатлар уюштирдилар. Футбол ўйинларини ташкил этдилар.

- Футболчи ёшларимизнинг ҳар бирини маҳалламизнинг саховатли ҳомийлари пул мукофоти, «Маҳалла» деб ёзилган махсус футбол кийими билан рағбатлантирдилар. Келгусида шахмат-шашка, теннис ўйинлари мусобақаларини ҳам уюштирамиз. Келаси йили насиб этса «Футболимиз келажаги» маҳалла кубоги беллашувида янада муваффақиятли қатнашишни ният қилдик, - дейди маҳалла оқсоқоли. - Бу ишларни ташкил этишда фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясининг раиси, «Сувқурилиш» қошидаги «Хумой» тижорат ва ишлаб чиқариш фирмасининг бош директори Шоазиз Шомаҳмудов бош-қош.

- Маҳаллада спорт ўйинларининг яхши йўлга қўйилганлиги ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этмоқда. Гапимизнинг тасдиғи шундаки, маҳаллада биронта ҳам гиёҳвандликка берилган киши йўқ, - деди туман ички ишлар бўлими профилактика инспектори катта лейтенант Ботиржон Абдуллаев. - Маҳаллада биз асосан оилалар билан ишлаймиз. Чунки, инсон оилада ўсади, ижтимоий тарбиянинг бошланғич шартларини оилада олади.

- Маҳалла ўсмирлари ўртасида «Футболимиз келажаги» республика кубоги турнири жуда вақтида амалга оширилган оммавий тадбир бўлди. Мен ўзимдан қиёс қиламан, - деди истеъдодли шоира, журналист Гулчеҳра Йўлдошева. - Ўғлим Музаффар, зиёли оиласидан бўлганиданми китобга ўч. Бўш бўлди дегунча ўқишдан бош кўтармасди. Баъзан кўзига ҳам дам беришини, бадан тарбия билан шуғулланишини истардим. Қизиқтиролмасдим. Қарангки, маҳаллада футбол командаси тузилиб, тенгқурлари қатори унга қатнаша бошлади. Ҳозир назаримда анча бақувватлашиб, бўйига-бўй қўшилгандек, мутолааси ҳам жойида. Маҳалла футбол командасининг ўйинчиси Раҳим Юсуповнинг бобоси Обид ота Юсупов Гулчеҳрахон Йўлдошевани қўллаб, қўшиб қўйди:

- Хўб замонлар келдида, қайси маҳаллага борсангиз, мўъжазгина бўлса ҳам ўз стадиони, жуда бўлмаса спорт майдони бор. Бизнинг ёшлик йилларида, бундай иншоотлар қаёқда эди. Ҳозирги Абдулла Қодирий истироҳат боғида, у пайтда Жанггоҳ дейиларди, кураш бўлиб турарди, шунга томошага борардик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги мазкур лойиҳаси раҳбари Ш.Шоваҳобов ўзининг меҳнат сафарлари давомида кўп мамлакатларда бўлганлигини, Ўзбекистонда аҳоли яшайдиган жойларда, маҳалла ёшлари билан барча соҳаларда, жумладан, спортни ривожлантириш тажрибасида бетакрорликни кўрганлигини, «Маҳалла» жамғармаси тизимида ёшлар билан ишлаш бўйича олиб борилаётган фаолиятнинг самарасини ўрганишга қизиқиш каттали-гини таъкидлади.

Муҳаммад РАСУЛ.

Маҳалла ва жаҳон футболига марҳамат!

7 сентябрь куни пойтахтимиздаги «Пахтакор» Марказий ўйингоҳида катта футбол байрами бўлади. Шу куни соат 14 ,00 да «Футболимиз келажаги» анъанавий маҳалла болалари турнирининг 12-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги финал ўйини бўлиб ўтади. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги, Ўзбекистон футболининг 90 йиллигига бағишланган мазкур турнири финал ўйинидан сўнг голибларни тақдирлаш маросими ва кайта концерт дастури намойиш этилади. Шундан сўнг Ўзбекистон - Япония терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилади.

Суратда: Маҳалла оқсоқоли М.ҲУСАИНОВ, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси Л.ТЎЛАГАНОВ, турнир ташкилотчиси Ш.ШОМАҲМУДОВ ва жамоа аъзолари.

Шу сонинг

2-САҲИФАСИДА

** Кредит олишни истасангиз... кафиллик хати келтиринг!*

** Кема қуриб ном қозонган маҳалла...*

** Биз сизга бегона эмасмиз!*

3-САҲИФАСИДА

** Фароғат Раҳматованинг фароғатли ва заҳматли кунлари...*

** Осмони мовий, ўзи кўм-кўк шаҳар.*

** Гилам қўлтиқлаган ким ўзи?*

4-САҲИФАСИДА

** Тошдан бунёд бўлган сарой*

** Листьевнинг «Мўъжизалар майдони»дан топганлари ва йўқотганлари...*

** Биз ҳам, сиз ҳам ўқимаган китобдан парча.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:

Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

Шарҳловчи минбари

ШВЕЦИЯ АЭРОПОРТИДАГИ ВОҚЕА

Швеция пойтахти Стокголм аэропортида мамлакатнинг асл келиб чиқиши тунислик бўлган фуқароси самолётга ўқотар қурол билан чиқаётгани аниқланди ва зудлик билан ҳибсга олинди. Хавотирли томони шундаки, полиция қуролли йўловчи парвоз чоғида самолётни қўлга олиб, АҚШнинг Европадаги элчихоналаридан бирига урмоқчи бўлган, деб гумон қиляпти. Вестерос аэропортида ушланган 29 ёшли Карим Чатти ҳақиқатан ҳам шундай мудҳиш режани амалга оширмоқчи бўлганми-йўқми, буниси ҳозирча номаълум. У Англиянинг Бирмингем шаҳрида ўтаётган ислом конференциясига келаётган экан. Карим Чатти ва у билан бирга ҳибсга олинган яна 20 нафар йўловчи «Салафи пабликейшн» оқимининг аъзолари бўлган. Буюк Британияда нашр этиладиган газеталарда таъкидланишича, ушбу ташкилот Усома бин Лодин билан алоқадор бўлган ва 11 сентябр воқеаларида унинг аъзолари иштирок этган. Айни пайтда Швеция полицияси Карим Чатти ёлғиз «ишламоқчи» бўлганми ёки шериклари ҳам борми, деган саволга жавоб қидирмоқда. Мазкур самолёт Швеция аэропортидан Лондонга учаётгани боис, Буюк Британия махсус хизмати ҳам анча хушёр тортиб қолди. Лондондан Швецияга террорчиликка қарши курашда катта тажрибага эга бўлган одамлар ёрдамга жўнатилди. Ҳозирча Карим Чатти расман ноқонуний равишда қурол олиб юриш ва ўқотар қуролни самолётга олиб чиқишга уринишда айбланмоқда. Бироқ бу иш анча жиддий тус олиши ҳам мумкин. Чунки у самолётни эгаллаб олиш ва террорчилик ҳаракатини амалга оширишга уринганликда гумон қилинмоқда. Фақат Швеция полицияси бунга ҳозирча ишончли далил топа олганича йўқ. Бирмингемдаги «Салафи пабликейшн» ташкилотининг вакиллари Швециядаги воқеага умуман алоқаси йўқлигини таъкидламоқда. Уларнинг айтишича, ўзлари исломнинг радикал оқимига тегишли бўлсада, террорчилик ва бегуноҳ одамларнинг ўлдирилишини буткул қоралайди. Шунингдек, ташкилот вакиллари, аслида Карим Чатти самолётни эгаллаш учун эмас, балки Бирмингем конференциясида террорчилик уюштириш мақсадида йўлга чиққан, демоқда. Бу фаразга ҳам жиддий қараётган Бирмингем полицияси анжуманда хавфсизлик чораларини кучайтирди. Шубҳали делегатлар жиддий назорат остига олинди.

Воқеа содир бўлгандан кейин икки кун ўтиб Швеция полицияси Карим Чаттининг таржимаи ҳолини эълон қилди. Маълум бўлишича, у икки йил илгари ислом ақидапарастларига қўшилган ва полициянинг «қора рўйхати»га киритилган экан. Яна бир гумон шундан иборатки, Карим Чатти АҚШ томонидан Америка ҳудудида «Ал-Қоида» жангарилари учун лагер барпо қилишда гумон қилинаётган, Швеция фуқаросининг дўсти бўлган.

Текшириш давом этмоқда. Нима бўлганда ҳам, йўловчи самолёт билан боғлиқ ҳодисалар ҳар доим ҳам одамларда хавотир уйғотиши табиий. Халқаро террорчилик ўзининг разил мақсадига эришиш учун ҳеч нарсадан қайтмаслитини 2001 йил 11 сентябр воқеалари исботлаган эди. Шу боис ҳаво қатновидаги кўнгилсиз воқеалар жаҳон жамоатчилигини яна ва яна хушёрликка чақиради. Швециянинг Вестерос аэропортидаги ҳодиса ҳам шулар жумласиндир.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Тадбир

«УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ...»

Истиқлол байрами кунларида Темурийлар тарихи Давлат музейида ўтказилган маънавий-маърифий анжуман худди шундай номланди.

Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Ўзбекистон Республикаси ФА Темурийлар тарихи Давлат музейи, республика «Маҳалла» жамғармаси, «Ўзбекмузей» жамғармаси, Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш (ТШПҚТМОИ) институти, шаҳар «Маънавият ва маърифат» Маркази, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ва фахрийлар уюшмаси, шаҳар тадбиркорлар касаба уюшмаси билан ҳамкорликда уюштирилган бу тадбир Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Неъмат Абдуллаев табрик сўзи билан очилди.

Анжуманда Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг «Қадрият давраси» раиси Муборак Юнусхўжаеванинг «Улуғларни ардоқлаган юрт», шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг «Фахрийлар» уюшмаси раиси Холида Бобохонованинг «Қарияларни қадрлаш - маънавиятимиз негизи», шаҳар Тадбиркорлар Кенгаши уюшмасининг раиси Зиёдулла Худойбердиевнинг «Халқ манфаати - олий неъмат», Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси Дилбархон Раҳмонованинг «Мустақиллик ва халқаро дипломатия» мавзуларида маърузалари тингланди.

Шундан сўнг тарихчи олим Турғун Файзиевнинг «Моваронноҳрда ҳукмронлик қилган темурий шаҳзодалар» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Республика «Маҳалла» жамғармаси ва «Ўзбекмузей» жамғармасининг «Қўли гул халқим» кўргазмасида Тошкент шаҳри туманларидаги маҳаллалар зардўзлари, ҳунармандларининг ижодий ишлари намойиш этилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар педагоглар малакасини ошириш институти меҳнат таълими бўлими томонидан «Нафосат олами» бадиий кўргазмаси ташкил этилди.

Йиғин сўнггида «Маҳалла жонкуяри» кўкрак нишонлари топширилди. Бу тантанада Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг Мустақиллигимизнинг 11 йиллигига бағишлаб ўтказган «Ибратли оқсоқол», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли», «Маҳалла жонкуяри» анъанавий кўрик-танловининг ғолибларига ғолиблик шаҳодатномалари ва кўкрак нишонлари топширилди. Йиғин «Улуғимсан, Ватаним» деб номланган концерт дастурига уланиб кетди.

Ўз мухбиримиз.

«Бойқозон»да тантана

Паркент туманидаги «Бойқозон» ширкат хўжалигида янги, замонавий маданият ва спорт мажмуи иш бошлади.

Тўрт минг томошабинга мўлжалланган стадион, ёпиқ спорт зали, 25О ўринли клуб, теннис кортини ўз ичига олган мазкур мажмуада қариялар чойхонаси, тантаналар зали ҳам мавжуд. Уни «Бойқозон» ширкат хўжалиги ўз маблағига ҳашар йўли билан барпо этди. Бу эса олис тоғ ҳудудида истиқомат қилаётган тўрт ярим минг аҳолига чинакам байрам совғаси бўлди.

Н.Душаев,
ЎзА мухбири

Қишлоқ фуқаролар йиғинида

УЛУҒ АЛЛОМА ВОРИСЛАРИ

Ислом оламининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири Ҳожа Ҳасан Андоқий зиёратгоҳи Қизилтепа туманида жойлашган. Шу аллома номи билан аталадиган (Хўжа Ҳасан) қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 10 та маҳалла мавжуд.

35 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва 44 нафар афғон уруши иштирокчилари бу маҳаллаларда амалга оширилаётган хайрли ишларга бошқошдирлар. Халқда «Минг қўшинга бир бошчи» деган нақл бор. Фуқаролар йиғини раиси Умар Раҳмонов етакчилигида фуқароларни тўла-тўкис иш билан таъминлашга эришиляпти. Тумандаги бандлик бўлими билан ҳамкорликда иш юритилиб, йил бошидаёқ мониторинг усулида ишсиз фуқаролар аниқланди. Фуқаролардан 66 тасига тоифасига қараб ишсизлик нафақаси тўланди. 26 та ишсиз фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. 10 га яқин фуқаро касб-ҳунарга ўқитилди. 195 нафар киши турли соҳаларга ишга жойлаштирилди. Маълумки, ишсизлик фуқароларнинг оилавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Бундай нохуш ҳолнинг олдини олишда маҳаллада яшовчи тадбиркорлар ҳиммат кўрсатишяпти. Меҳнат инспектори Р.Чиниқуловнинг йиғин фаоллари билан ҳамкорлиги алоҳида таҳсинга сазовор. Ҳудудда жойлашган 8 та мактаб, 1 та касб-ҳунар лицейи ва 1 та мактаб-интернат жамоалари «Маҳалла, оила, мактаб» Концепцияси бўйича ижобий ишларни амалга оширмоқда. Шунингдек, бу ҳудудни тоза ичимлик суви билан таъминлайдиган «Эъзоз-ЛТД» корхонаси, 80 та фермер хўжалиги, 160 та якка тартибдаги тадбиркорлар, 14 та ошхона, 5 та сартарошхона, 12 та савдо шахобчалари йиғин назорати остида иш олиб бормоқда.

Қариялар йили муносабати билан 91 та қария тўкин дастурхон атрофига чақирилиб, ош тортилди. 30 та қарияга тўн кийдирилди. 45 нафар қария учун Самарқандга - Имом ал-Бухорий зиёратгоҳларига саёҳат уюштирилди. Шунингдек, маҳаллада яшовчи энг кекса отахону онахонлар билан ёшлар ўртасида учрашув ташкил этилди.

Маҳаллалар ишини ривожлантириш учун бир йилда икки марта «Энг намунали маҳалла» кўрик-танлови ўтказилади. Илк босқичда Бободўғи маҳалла фуқаролар йиғини 1-ўринни эгаллаб 30.000 сўм пул ютуғини қўлга киритди. Бу тадбир маҳаллаларни хайрли ишларни амалга оширишга ундайди. Бундан ташқари, республика футболининг 90 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» кубоги турнири мусобақаларини ташкиллаштириш борасида ҳам мақтовли ишлар қилинди. Мустақилликнинг 11 йиллиги байрами арафасида меҳнат фахрийларидан бири - Ёдгор Нарзиев хотирасига бағишлаб футбол турнири ўтказилиши режалаштирилган. Хўжа Ҳасан номли қишлоқ фуқаролар йиғинида 10 нафар қариялар «Маҳалла» газетасига кейинги йил учун бепул обуна қилинди. Улуғ алломанинг муносиб ворислари хайрли ишларни амалга ошириб, эл-юртнинг дуосини олишмоқда.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Банклар ва биз

ЯХШИ ТАДБИРКОР МАҲАЛЛАДАН ЧЕТГА ЧИҚМАЙДИ

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» Ҳиссадорлик Тижорат банки 1994 йилда ташкил этилганди. Банк фаолиятининг халқаро талабларга биноан, савдо ва тижорат соҳасида фаолият юритувчи мижозлар билан ўзаро ишонч асосида ташкил этилгани бугунги кунга келиб бу банкнинг республикамиздаги нуфузли, обрўли банклари қаторидан ўрин олишига сабаб бўлди. Ушбу банкнинг Амалиёт бошқаруви бошлиғи Ҳаким БОБОНАЗАРОВ банк фаолияти хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

- Президентимизнинг 1998 йил 9 апрелда имзоланган «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари бизнинг бир неча йиллик фаолиятимизнинг асоси бўлиб келмоқда. Ушбу йилнинг биринчи ярим йиллигида кичик ва ўрта бизнес субъектларига жами 45 млн.100 минг сўм маблағ кредит сифатида ажратилди. Жумладан, 15 млн сўм миқдоридаги кредит енгил саноат моллари, яъни ип-газлама сотиб олиб ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун ажратилди. Қурилиш объектларининг сарф-харажатларини арзонлаштириш мақсадида, маҳаллий хом-ашёдан арзон қурилиш моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун йил бошидан буён 3 млн сўм миқдорида кредит ажратдик. 5 млн. сўм маблағ фермер хўжаликларини ривожлантириш учун, 22 млн.100 минг сўм маблағ аҳолини энг зарур бўлган 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида сарфланди. Бугунги кунда асосий мақсадимиз, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган зарурий истеъмол маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари билан тўлдириш орқали юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини кучайтириш ва мустаҳкамлашдир. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда маҳалла тизими фаолиятига эътибор кучайтирилганлиги туфайли маҳалла оқсоқоли, маҳалла кенгашининг нуфузи ва ваколатлари ҳам анча кенгайди. Масалан, бизга кредит сўраб мурожаат қилувчи тадбиркордан агар унинг тадбиркорлик фаолияти маҳалла ҳудудида кечадиган бўлса, ўша маҳалла кенгаши ва оқсоқоли тасдиқлаган кафиллик хатини тақдим этиши талаб этилади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, келажакда тадбиркор кўраётган даромаддан маҳалла аҳли ҳам манфаатдор бўлади. Шунинг учун кўпчилик тадбиркорлар маҳалладан чиқмоқда ва маҳаллага қайишмоқда. Шунингдек, бизга мурожаат қилган тижорат ходими ёки тадбиркорлар мутахассисларимиздан фаолиятларига, ҳужжатларни расмийлаштиришга ва банк-мижоз ўртасидаги муносабатларга оид маслаҳатлар оладилар.

Суҳбатдошимизнинг бу сўзларини суҳбатимизга келиб қўшилган банкнинг доимий мижозларидан бўлган «Ўрта-Сарой» фермер хўжалиги раҳбари Ҳамидулла Йўлчиев ҳам тасдиқлади.

- Бизнинг фермер хўжалигимиз Юқори Чирчиқ тумани, Наврўз қишлоқ фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатади. Давр талабини ҳисобга олиб, фаолиятимизни янада кенгайтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида қўшимча маблағ сўраб «Савдогарбанк» Амалиёт бошқармасига мурожаат қилдик. Банкнинг кредит қўмитаси аризамизни қисқа муддатда қондирди. Дастлаб олган кредитимизни ўз вақтида қайтардик, яна 5 млн сўм кредит сўраб қилган мурожаатимизга ижобий жавоб олдик. Биз ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан қўшни қишлоқ ва маҳаллалар аҳолиси ҳам баҳраманд бўлмоқда.

- Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган «Нуронийлар оромгоҳи» ҳудудида озиқ-овқат дўкони очдик, - дейди хусусий тадбиркор Салоҳиддин Муҳиддинов. - Оромгоҳда дам олаётган қарияларимизга ҳамда уларни кўргани келувчиларга ҳам қулайлик яратиш мақсадида бу ишга қўл урдим. Мен ташкил этмоқчи бўлган савдо шохобчаси нафақат оромгоҳда дам олувчиларга, балки ён-атрофдаги маҳаллалар аҳлига ҳам қулайлик туғдиришини инобатга олиб кредит сўралган аризамга ижобий жавоб олдим. Ушбу банк фаолиятида менга энг ёқадигани, бу ерда мижозлар - тадбиркорларни иқтисодиётимиздаги, банк тизимидаги янгиликлардан хабардор этиб турадиган махсус бурчакнинг мавжудлиги. Фаолиятимизга оид меъёрий ҳужжатларнинг моҳияти билан танишиш учун бу ерда барча шароит яратилган.

Мавлуда КОСИМОВА.

Тошкент шаҳри

КЎНГИЛЛАР ЯҚИН БЎЛДИ

Бектемирликларнинг Астробод гузарида ўтказган байрам тадбирига тумандаги маҳаллалар кексалари, фаоллар ва турли соҳа эгалари йиғилдилар.

Байрам дастурхони атрофида кечган ширин суҳбатларда юртимизнинг тинчлиги, кишиларнинг ҳамжиҳатлиги, маҳаллаларда олиб борилаётган хайрли ишлар ҳақида сўз борди. Тумандаги кам таъминланган хонадонлар фарзандларидан 10 нафарининг хатна тўйи ўтказилди.

Юз билан юзлашаётган тўрт нафар онахонларга эса совға-саломлар берилди. Шу кунги тантаналар барча маҳаллалар кишиларини бир-бирига янада яқинлаштирди, кўнгиллар эртанги кун орзу-умидлари билан янада чароғон бўлди.

Ўз мухбиримиз.

«Қарияларни узоқ умр кўрганлари учунгина эмас, ҳаёт синовларига узоқ бардош берганлари учун ҳам қадрлашимиз лозим» деган сўзлар бугунги кунимиз шиорига айланди. Суратдаги болакайлар ҳам боболаридан тинглаган ўгитларини ҳаётлари давомида кўп бора ёдга олишлари тайин.

Отахон - маҳалла жонкуяри

КЕМАчилик ЭЛМУРОД БОБО

Зарафшон дарёсининг Қоракўл шаҳрига кираверишдаги соҳилида жойлашган қишлоқлардан бирини Кемачи деб аташган. Элмурод бобо шу масканда таваллуд топган. Саксон ёшли бобони суҳбатга тортдик.

- Қишлоғингизни нега Кемачи дейишади? Ахир Қоракўлда кемасозлик саноати йўқ бўлса...

- Боболаримизнинг нақл қилишларича, олис замонларда Зарафшон дарёсининг бизнинг қишлоққа туташ ўзанида сув кўп тўпланиб, дарёнинг нариги соҳилига ўтиб-қайтиш мушкул бўлиб қолган. Ана шу пайтда қишлоғимиз усталари дов-дарахтлардан қайиқлар ясаганлар. Шу-шу маҳалламиз номи Кемачи бўлиб қолганда, ука. Бу албатта, қадим замонларда бўлган. Ҳозир эса маҳалламизни Зарафшон деб аташади, - дейди қария сўзини якунлаб.

Дарҳақиқат, маҳалла шундайгина Қоракўл шаҳрига кираверишда жойлашган. Бу ерда «Аму-Қоракўл» канали, савдо дўконлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, «Қоракўл спорт мажмуаси» қад ростлаб турибди.

Элмурод бобо Жўраев маҳалла фаоли сифатида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига бош-қош. Ёшлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликда маҳалла ҳудудидаги мактаб ва корхоналарда «Гиёҳвандлик - давр вабоси», «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи», «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она» мавзуларидаги ўнлаб учрашув ва суҳбатларда фаол қатнашади.

- Элмурод бобо энг яхши маслаҳатдошимиз, - дейди маҳалла оқсоқоли Муса Собиров. - Йиғинимизда бўладиган бирорта тадбир ҳам у кишининг иштирокисиз ўтмайди.

- Дарёнинг ташландиқ ўзанидан анчагина ер очиш имконияти бор. Ниҳол ўтказиб, боғ яратиш мумкин, - деди бобо шу йил кўкламида маҳалла фаолларига.

Унинг бу ташаббусини маҳалла фаоллари Чори ота Янгиев, Файзулла ота Ибрагимов, Саид Мўминов, Тоҳир Холмуродовлар қўллаб-қувватлашди. «Қарияларни қадрлаш йили»да яна бир боғ яратамиз!» шиори маҳалланинг кексаю ёшини бирлаштирди. Салкам ярим гектарлик майдон тез орада қамишлардан, тошу хаслардан, чиқиндилардан тозаланиб, атрофларига тол-терак, мевали дарахт ниҳоллари ўтказилди. Боболари изидан бориб, уларнинг невараю чевералари боғни парваришлашга кўмаклашдилар.

Баъзан бобо хотираларга берилиб, ўйга толади, даҳшатли уруш онлари, бир неча бор ярадор бўлиб госпиталда ётган кунлари, яқин қуролдош дўстларидан жудо бўлган пайтлари бирма-бир хаёлидан ўтади.

- Ажаб замонларни кўрдик, - дея сўзини давом эттирди отахон, - Кўпгина юртдошларимизнинг жасадлари ўзга юртларда қолиб кетди. Оллоҳ иноят этган Мустақиллик йилларида биз ўзлигимизни янада яхшироқ англадик, маҳалла тизимининг ривожланишига ҳам озми-кўпми ҳиссамизни қўшаяпмиз.

Элмурод бободек фидойилар бор экан, маҳалланинг юки ерда қолмайди.

Беҳбуд ЖУМАЕВ.
Бухоро вилояти.

Изҳор

ИЛДИЗИМИЗ ШУ ЗАМИНДА

Маҳалламиз аҳолисининг кўпчилиги қозоқ миллатига мансуб. Маҳалламизнинг ўзи ҳам қозоқ мутафаккири Абай шарафига унинг номи билан аталади.

Ён-атрофимиздаги, туманимиздаги бошқа маҳаллалардан ҳеч кам жойимиз йўқ, маҳалла-кўйчиликнинг барча тартиб-қоидаларига риоя қилиб, ҳукуматимиз, Президентимиз кўрсатаётган эътибор, имтиёз ва ваколатлардан баҳраманд бўлиб яшаяпмиз. Шунга яраша бурч ва масъулиятимизни ҳам ҳамиша ёдда тутамиз. Умуман, жамоа бўлиб яшаш биз мансуб бўлган туркий халқларнинг ҳаммасига хос. Масалан, биз қозоқларда ота-боболаримиз азал-азалдан овул-овул бўлиб яшаганлар. Лекин бизга қўшни бўлган, қардош юртларнинг ҳеч бирида халқнинг бундай ўзини ўзи бошқарув тизимига Ўзбекистондаги каби катта эътибор ҳозирча берилмаяпти.

Ўзим олти йилдан бери оқсоқоллик қиламан, шунинг учун ҳам маҳалла тизимида, умумий юртимизда рўй бераётган ўзгаришларнинг гувоҳи, бевосита иштирокчисиман. Ва барча эзгу ишларнинг аввали, ибтидоси - Истиқлол деб ҳисоблайман. Аниқ биламан, мендан бошлаб маҳалламизнинг ҳар бир фуқаросига бу юртда бегоналик ҳисси умуман ёт. Чунки шу юртда яшаяпмиз, озмиқўпми ризқ-рўз топяпмиз. Фарзандларимизнинг киндик қони шу юрт тупроғига тўкилмоқда, улар шу ерда улгаймоқдалар... Қисқаси, шу заминга илдиз отганмиз. Ушбу байрам кайфияти жўшқин кунларда маҳалламиз нуронийлари юртга равнақ, фаровонлик, тинчлик тилаб дуога қўл очмоқдалар. Иншооллоҳ, уларнинг дуолари ижобат бўлгай.

Мамадали СУЛТОНОВ,
Бектемир тумани Абай маҳалласи оқсоқоли.

Мамлакатимизда янги ўқув йили бошланди

Биринчи дарс - Мустақиллик дарси бўлди.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН...

Бугун ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан камол топиши, етук инсонлар бўлиб етишиши хусусида кўп фикрламоқдамиз, баҳслашмоқдамиз ва бу йўналишда бир қатор чора-тадбирларни қўлламоқдамиз. Шуни таъкидлаш жоизки, ёшлар тарбиясига дахлдор саъй-ҳаракатларимиз жамиятимизнинг барча жабҳаларини қамрагани ҳолда, бу борада энг асосий масъулият барибир таълим даргоҳларининг зиммасига тушади.

Яъни бу даргоҳлар - болалар боғчасидан тортиб олий ўқув юртларимизнинг қандай фаолият юритишлари ёшларимизнинг таълим-тарбиясида ўзининг тўлақонли аксини топади. Аниқ айтадиган бўлсак, ҳукуматимиз томонидан белгиланган соҳага оид «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳужжатларида бир қатор ислоҳотларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Мана, таътил ойлари тугаб, янги ўқув йили ҳам бошланди. Хўш, юқорида тилга олинган меъёрий ҳужжатлар, ислоҳотларнинг ижроси жойларда қандай аҳволда? Ушбу мавзудаги суҳбатга Сурхондарё вилояти Бойсун тумани халқ таълими бўлими мудири Абдулатиф Норқуловни чорладик.

- Аввало шуни таъкидлаш керакки, дастурда белгиланган кадрлар тайёрлаш усули нуфузли халқаро ташкилотларда, хорижий мамлакатларда, жаҳон тажрибасида ҳали мавжуд бўлмаган усул сифатида тан олинган. Демак, ҳаётга биз жорий этаётган мазкур таълим модели орқали ёшларни муайян ихтисос эгаси қилиб, ҳаётга йўлланма бериш йўналиши ўзига хосдир. Бу йўналиш ёшларимизнинг етук шахснинг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонлар бўлиб етишишида муҳим омил бўлади. Ушбу дастурни амалда қўллаш натижасида туманимиз халқ таълими фаолиятида бир қатор ижобий силжишлар юз берди.

Таъкидлаш жоизки, таълим соҳасидаги ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ қилиш ва таълим-тарбияни ҳозирги давр талаблари даражасига кўтариш кўп жиҳатдан муассаса раҳбарларининг билимдонлигига, ташаббускорликларига, педагогик маҳорат жиҳатидан шахсий намуналарига боғлиқдир. Демак, аввало таълим муассасаси мутасаддилари фаолиятини замон талаби даражасида ташкил этиш талаб этилади.

Шунингдек, янги педагогик ва ахборот технологияси жорий этишда бир қатор вазифалар амалга оширилди. Биринчи навбатда янги педагогик технологияга мос ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва тест жамламалари яратилди.

Кейинги тўрт йил мобайнида минглаб педагог ходим малака ошириш курсларидан ўтди.

Туман ҳокимлиги таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доимо ғамхўрлик кўрсатиб келаётганлиги боис бу борадаги аниқ тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Туманимизда мавжуд 65 та таълим муассасасига ҳомийлик қиладиган корхона ва ташкилотлар белгилаб қўйилган. Уларнинг ёрдамлари билан мактаблар ёки бошқа ўқув даргоҳи бинолари ёзги таътил даврида тўлиқ таъмирланди. Бундан ташқари бир нечта мактабларимизнинг ўқувчилари янги ўқув йилини янги бинолларда бошладилар. Шунингдек ҳомий ташкилотлар ёрдами билан таълим муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантиришга бир неча миллион сўм маблағ сарфланди. Дастурда яна бир муҳим вазифа белгиланган - яъни ўқувчиларнинг қобилияти ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтишни тўлиқ амалга ошириш. Бу мақсадга эришиш учун таълим муассасаларини махсус тайёрланган ва малакали кадрлар билан тўлдириш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш, таълим муассасаларининг моддий-техник ва ахборотлар базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ҳамда илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш каби тадбирларни бажариш талаб этилади. Албатта, бу мақсадларга етиш, вазифаларни адо этиш ўзимизнинг қўлимизда, имкониятимизда. Чунки бўлаётган ижобий ўзгаришларни, ислоҳотларни амалга ошириш имконини бизга Истиқлол, Озодлик берди. Шуни унутмаслигимиз керакки, бизнинг ҳар қайси соҳадаги саъй-ҳаракатларимиз бир мақсадга - мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қаратилгандир. Халқ таълими соҳаси фаолияти эса ушбу жараёнда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Шахсан менга, икки байрамнинг етаклашиб келишида рамзий маъно бордек туюлади.

Омон ШУКУР
суҳбатлашди.

● *2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили*

«ИСТИҚЛОЛ МЕНГА ҚАЙТА КУЧ БЕРДИ»

дейди Ўзбекистон халқ артисти Фароғат РАҲМАТОВА.

Элимизнинг севимли санъаткори, «Меҳнат Шуҳрати» ордени соҳибаси, Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрининг кекса актрисаси Фароғатхоним билан суҳбатлашарканман, ижод йўли нақадар машаққатли эканини, одамлар назарига тушиш санъаткор учун ҳеч вақт осон кечмаслигини яна бир карра ҳис этдим...

1933 йиллар. Айни ўрим-йиғим қизиган палла. Раис отанинг саъйи-ҳаракати билан тузилган ансамбль биринчи маротаба ўроқчиларга концерт қўйиб берди. Ансамбль қатнашчилари асосан ўсмирлар эди. Олти ёшлар чамасидаги қизалоқ саҳнага чиқиб қўшиқ айта бошлаганида эса ўтирганлар бир кўзғалиб олишди. «Овози қўнғироқдек экан!» деган фикр ҳар бирининг хаёлидан ўтди ҳисоб. Кейин... Чапак устига чапак бўлди. «Яна қўшиқ айт» дейишди. Қизча эса ҳаяжонланиб, нуқул кўзлари жавдирарди. Концерт тугагач, унга ҳам бир коса ёрма ош қуйиб беришди. Қизча уни тўйиб ичиб олди. Етим қизалоқ (у ўшанда бир ярим яшар сингилчаси билан онадан етим қолган, иккови момосиникида яшашарди. Бобосини «қулоқ» қилишгач, айниқса қийналиб қолишганди) ёлғизоёқ йўлдан уйларига қараб чопди. Бора солиб момосининг бағрига отилди. Дала бошидаги гаплардан момоси ҳам хабардор бўлиб улгурганди, шу учунми набирасининг сочларини силаб йиғлади. «Сенга жарангдор товушни берган худойим охиригача сени ёрлақасин» деб дуо қилди.

Шундан сўнг Фароғатга «йўл» очилди. Тўққиз ёшида уни Қашқадарё театрига ишга олишди. Маоши тўққиз сўм эди. У мактабда ўқир, уй вазифасини танаффусда бажариб, сўнг дарс тугаши биланоқ театрга югурарди. У кўпроқ оммавий саҳналарда қатнашарди. Ўн беш ёшида «Фарҳод ва Ширин»да Ширинни ўйнади. Шу роли билан театрдагиларнинг тилига тушди. Шундан сўнг турли спектаклларда бош ролларни ижро эта бошлади. Эсида, вилоятда қурултой ўтказилди. Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсуповлар келишди. Ўшанда Фароғат Раҳматова саҳнада қўшиқ айтди. Ширали овози билан Тошкентдан келган вакилларнинг назарига тушди. Йўлдош Охунбобоев бу талантли қизни пойтахтга таклиф қилди.

1942-43 йиллар. Муқимий номли театр биноси эндигина қурилаётганди. Суяги меҳнатда қотган Фароғат устозлари сафида туриб қурилишнинг майда-чуйда юмушларига кўмаклашди. Ҳатто тупроқ ортиб, қум ҳам ташиди. Театр иш бошлаган кун катта байрамга айланиб кетди. Ўша кун Фароғат Раҳматованинг ҳаётида ёруғ кунларни бошлаб берди гўё. У кетма-кет турли ролларни ижро эта бошлади. «Тоҳир ва Зуҳра»да Зуҳра, «Шоҳсанам ва Фариб»да Шоҳсанам, «Алпомиш»да Ойбарчин, «Нурхон»да Нурхон, «Холисхон»да Холисхон, «Муқанна»да Гулойим, «Тошболта ошиқ»да Рисолат пари образларини у ана шу театр саҳнасида яратди.

Кекса санъаткор билан суҳбатимиз қизғин бошланиб кетади.

- Фароғат опа, сизга улуғ санъаткорлар устозлик қилганлари ҳақида эшитганмиз. Улар билан қандай ишлагансиз?

- Бир пайтлар «Тошболта ошиқ» халқ орасида машҳур бўлиб кетган. Унда Сойиб Хўжаев Тошболтани, мен Рисолат парини ўйнардим. Спектаклга тайёргарлик пайтида Сойиб ака «Қуралай кўз, қуралай, туйнугингдан мўралай» деб хиргойи қилиб турар, «аттанг, мусиқа актёри эмасманда, шу учун қўшиғим яхши чиқмаяпти» деб бош чайқарди. Лекин у саҳнага чиқиб томошабин билан юзма-юз бўлгач, тамоман бошқа одамга айланарди-қоларди. «Қуралай кўз» унинг тилида шундай ширали жаранглар эдики! Комик ҳаракатлари билан дарров томошабин юрагини забт этарди. Спектакл давомида сўз ва ҳаракатларни ўзидан қўшиб кетаверарди. Ҳатто бир куни Раззоқ Ҳамроев «Илтимос, шу бугун бирорта сўз қўшманг!» деган эди. Ўша куни Сойиб ака бирорта ортиқча сўз қўшмадию, лекин саҳнага 12-размерли калиш кийиб чиқиб ҳаммани кулдирди. Ўзи ўттиз еттинчи оёқ кийимини киярди-да! Унинг саҳнадаги ҳолатини энди тасаввур қилаётгандирсиз! Ўша йилларда томошабинлар театрга сиғмай кетишар, битта жойга 2-3 киши ўтиришгани учунми, ҳатто ўриндиқлар синиб кетарди! Спектакл минггинчи бора қўйилганини нишонладик. Турли давраларда, учрашувларда ҳам менга «Рисолат пари»ни ўйнаб беринг, дегувчилар кўп бўларди.

Устозларим - Лутфихон Саримсоқова, Турсунхон Жаъфароваларнинг ҳар бири бир дунё. (Лутфихонимни болаларим буви деб ўсишган) Уларнинг ҳар бир ўгити мен учун сабоқ эди. Эсимда, бир куни маҳаллада косибчилик қиладиган мухлисларимдан бири менга янги этик тикиб бериб юборибди. Лутфихон ая буни кўриб қолиб, «Бу сенга совға эканми?» деди. Бош силкидим, «Сен ҳам совға ўрнига бирор нарса қайтара оласанми?» деб сўради. «Йўқ» деганимдан сўнг ая секингина «Бир сидра кийим-кечагинг бор, буюмга муҳтожсан. Лекин барибир совғага ўрганиш яхшимас» дедилар. Этикни шу куниёқ эгасига қайтариб юбордим. Устозларим ўгити менигина эмас, болаларим тарбиясида ҳам қўл келарди. Ахир «Қари билганни пари билмас» деб бежизга айтишмайди-да. Ўғлим Азимжон (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азим Муллахонов) Ботир Зокиров хотирасига атаб ўтказилган танловда ғолиб чиқди. Ўшанда ўғлим танлов ғолиблари учун ажратилган пулни олмади. «Қабристонни ободонлаштиришга сарфланглар» деди. Ахир Ботиржон ўғлимнинг асл устози эди...

Турсунхон Жаъфарова эса менинг ҳар бир ижромни залда ўтириб кузатардилар. Бир куни «Нега оёғингга пайпоқ кийиб олгансан?» дедилар. «Устоз, оёғим совуққотди!» дедим. «Саҳнада санъаткор жонини ҳам аямаслиги керак» дедилар. Шу ўгит қулоғимда қолди. «Гули Сиёх»да рол бажараётиб йиқилиб тушдим ва оёғим лат еди. Лекин, чўлоқланиб бўлсада ролни охиригача ўйнадим.

- Шогирдларингиз...

- Марям Ихтиёрова, Наима Пўлатова, Малика Қаюмова, Одина Ғозиева, Зулайҳо Бойхонова, Меҳри Бекчонова, Мақсуда Отажонова сингари шогирдларимнинг ижроси доимо назаримда туради. Уларнинг ютуқларидан қувонаман.

- Азим Муллахоновнинг «Отам» қўшиғини эшитган одам титраб кетади... Умуман, фарзандларингиз, оилангиз ҳақида билгимиз келади.

- Фарзандларимнинг ҳаммаси ўзларидан тиниб-тинчишган. Қизим Махфират - доришунос, ўғлим Ҳабибжон - мусиқачи. Азимжоним эса мени «устозим» дейди. Яқинда театр биносида етмиш беш йиллик таваллудим нишонланди. Саҳнада ўғлим қўшиқ айтиб бўлиб, «Онам ҳам устозим» деб менга таъзим қилганида юрагим ҳаяжонга тўлиб кетди. Азимжоннинг «Отам» қўшиғи эса... Отаси вафот этган кунлар эди. Хуршид Давроннинг ота ҳақидаги шеърини ўғлим газетада ўқиб қолибди. Дарров уни қўшиқ қилди. Ҳатто шоирнинг ўзи ҳам дастлаб бундан бехабар экан... Хуллас, шу қўшиқ тезда тилга тушди. Менимча, қўшиқнинг сўзи маънили бўлса, у дарров тингловчи кўнглига йўл олади. Қўшиқчи қўшиқ учун шеър танлаётиб бунга аҳамият бериши керак, менимча.

Болаларимнинг ҳаммаси эл-юрт хизматида. Ўзимни бахтли она деб ҳисобласам бўлади. Устозларим юртимиз мустақилликка эришган кунларни кўролмай кетишди. Санъаткорларга кўрсатилаётган бугунгидек ғамхўрлик ҳали тарихда ҳам бўлган эмас. Мен севимли театримда турли ролларни бажариб юрибман. «Шу ёшда-я?!» дерсиз. Ҳа, очиғини айтсам, мустақиллик қувончи ғайратимни ўн чандон ошириб юборди. Умримнинг борича одамлар хизматида бўламан. Шу азиз юртимга, унинг эркли, шодон кунларига асло кўз тегмасин, дейман.

Тамара ХУММАМАТОВА суҳбатлашди.

● *Эл корига яраганлар*

Хотира уйғонса гўзалдир

... У вақтларда тирикчиликнинг зил-замбил юки каттаю кичикни қийнаб қўйганди. Оғир йиллар эди. Инсон меҳнатига рағбат қаёқда?! «Қулоқ» ҳаракати тобора кучайиб борар, кишилар қўрқувда яшарди.



Шундай таҳликали даврда Фарғонанинг Ёзёвон қишлоғида яшаган 25 га яқин хонадон Тошкент атрофларига келиб ўрнашди. Тўқайзорларни ўзлаштириш ва улар ўрнида пахта майдонлари ташкил этиш мақсадида улар туну кун тиним билмай тер тўкишди. Инсон қўли гул экан. Қирғизбой ота Абдувалиев ўшанда ғайратшижоатга тўла кишиларни атрофига жамлаб, уларнинг меҳнатига рағбат бера олди. Натижада ёввойи тўқайзорлар ўрнида қишлоқлар, хўжаликлар таркиб топди. Қирғизбой ота бу ишларнинг барчасига бош-қош бўлди. У раҳбарлик қилган хўжаликнинг довруғи тез орада эл-юрт ичра ёйилди, аҳоли турмушига файз кирди.

Гоҳо Қирғизбой ота ҳақида гап кетса, қариялар «Ғайрати ичига сиғмайдиган, танти инсон эди» деб хотирлашади. Чунки бу фидойи инсон ёшларни илм-маърифат йўлига бошлаган, қанчадан-қанча ҳимоясиз бева-бечораларнинг бошини силаган. Унинг ўзига хос хусусияти шу эдики, ўз бахтини одамлар бахтида, шодлик-қувончида деб биларди, доимо кишиларга яхшилик қилишга интиларди. Унинг кўмаги билан талай етук мутахассислар етишиб чиқди. Қирғизбой отага эргашиб ҳаётда ўз йўлини топганларнинг саноғи йўқ.

Қирғизбой Абдувалиев раҳбарлик қилган хўжалик ҳудуди Қўйлиқдан Қибрай қўрғонигача чўзилганди. Мазкур хўжалик шаҳар аҳолисини мева-сабзавот билан таъминлаб турган. Бу вақтларда хўжаликни бошқариш ўта мушкул иш эди, шундай бир даврда Қирғизбой ота одамларни эртанги ёруғ кунларга ишонтирди. Инсонларни ҳамжиҳат бўлишга, камтар ва олижанобликка ундади. У яхшилик беиз кетмаслигини биларди. Қирғизбой отанинг бу фалсафаси тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади.

Отанинг меҳнати сингган далаларда бугун боғроғлар яшнаб, тераклар бўй чўзиб, гўёки ўзбек фарзандининг инсоний қиёфасини, куч-қудратини намойиш этаётгандек...

Қирғизбой Абдувалиев ҳаётлик чоғларида нимагаки эришган бўлса, ҳалоллиги, қатъияти, меҳнатсеварлиги туфайли эришди. У раҳбарлик қилган йилларда пахта ҳосили 7 центнердан 20-25 центнергача кўтарилди. Лекин отанинг бу муваффақиятлари ҳаммани бирдек қувонтирган эмас. Шафқатсиз тузумнинг қонли қамчиси уни ҳам четлаб ўтмади. Қирғизбой ота бошига қора кунларни ёғдирмоқчи бўлган ҳасадгўйлар ҳам топилди. Унинг номига турли хил асоссиз бўҳтонлар ёғилди. Лекин одамлар отани ҳимоя қилиб чиқишди. Эл-улус бугунги кунда Қирғизбой отанинг эзгу савоб юмушларидан сўзлаб, ортида қолган мард ва танти фарзандларини дуо қилади. Тошкентнинг Янгиобод даҳасидаги кўчалардан бири эндиликда Қирғизбой Абдувалиев номи билан аталади. Яхшидан боғ қолади деб шунга айтишса керак-да!

Турсун АЛИ, Шуҳрат УЛУҒЗОДА.

● *Бугунги раис*

ОҚСОҚОЛНИНГ ТУНГИ «ИШИ»

Чакка шоликор маҳалласи оқсоқоли Қ.Дўстжонов уйига қайтаётиб, қоронғида тимирскиланиб бораётган шарпани учратиб қолди.

Ҳаракатидан уни таниди. Шу ерлик Р.Хўжаниёзов эди. Рустамбойнинг оёқ олиши бежо кўринди. Оқсоқол ҳеч нарса сезмагандек ўтиб кетди-да, муюлишга етгач ўзини панароққа олиб шарпани кузата бошлади. Тунги «саёқ» сал юриб ичкари кўчага бурилди. Ҳаял ўтмай гилам қўлтиқлаб олган Р.Хўжаниёзов ариқ бўйидаги дарахтларни паналаб келарди. Раис уни шу ерда жиноят устида қўлга туширди.

- Ушбу жиноятнинг фош этилиши маҳалла оқсоқоли ва посбонларининг ҳамкорликдаги меҳнати самарасидир, - дейди милиция катта лейтенанти А.Олланазаров.

Чакка шоликор қишлоқ фуқаролар йиғини Хоразм вилояти Урганч туманида энг йирик маҳаллалардан бири ҳисобланади. Бу ерда 17 минг аҳоли истиқомат қилади.Таянч пункти профилактика инспекторлари милиция катта лейтенанти А.Олланазаров, милиция кичик лейтенанти М.Оллаберганов ҳамда маҳалла посбони К.Ёқубовлар ўзаро ҳамкорликда иш юритишади.

Ўтган ярим йил мобайнида 4 та ўғирлик содир этилди. Ишга масъулият билан ёндошиб, зудлик билан шошилинч чоралар кўрилганлиги туфайли жиноятчилар аниқланиб, ўғирланган моллар эгаларига қайтарилди. Қонунбузарлар муносиб жазоланди.

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Ш.Раҳимовнинг тез-тез маҳаллаларда бўлиб, фаоллар, посбон ва тунги навбатчилар ўртасида турли тушунтириш ишлари олиб бораётгани маҳалла осойишталигини таъминлашда қўл келмоқда.

М.ҚОДИРБЕРГАН. Хоразм вилояти

Юртимизда айни пишиқчилик. Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги байрами арафасида ва байрам кунлари пойтахтимиз кўчалари ҳам нозне ъматларга тўлиб тошди.

● *Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига*

ДУНЁ НИГОҲИДАГИ КЎК ШАҲАР

«Қуббатул-илм вал адаб». Ана шундай юксак унвонга эга бўлган шаҳри Кеш - Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Катта тўй арафасида унинг кечмиши, неча-неча авлодларни лол қолдирган тарихи, таърифу тавсифи, яқин ўтмиши кўз ўнгимиздан ўтади.

Не-не улуғ зотларни, хону саркардаларнинг меҳри тушган, маҳлиё этган, қанча кўргиликларни бошдан кечирган бу зебо шаҳар. Александр Македонский зарбасига, араблар, мўғуллар топташига дош берган тафаккур оламининг ва улуғ даҳолар бешиги ҳисобланмиш бу азим шаҳар бугун дунё нигоҳида.

Қалбда чексиз ғурур уйғонади: Мирзо Бедилнинг шажар ришталари ана шу юртда томир отган. Мирзо Ғолиб она юртим дея фахрланган, бу гўша билан. Бу юртда дунёни ҳайратга солган зот, буюк жаҳонгир Амир Темур туғилган, камол топган. Кешга бўлган муҳаббат салтанат соҳибини асло тарк этмади. Осмонўпар бинолар, зиёратгоҳ манзиллар бунга гувоҳ. У Хоразмдан усталар чорлаб етти иқлим мўъжизаси - Оқсаройни, Дор-ус-Саодат, Дор-ут-Тиловат, гумбази Сайидон мажмуаларини барпо этади. Шаҳарнинг ғарби-жанубида Жаҳонгир мақбарасини қурдирди. Мачит, мадраса, ҳаммом, карвонсарой каби йирик иншоотларни ўз ичига олган мажмуа вужудга келди. Булар шаҳарнинг қадимий тарихидан гувоҳлик берибгина қолмай, сиру синоатга бой маънавий хазина ҳамдир.

Кеш топографик археологик экспедицияси Шаҳрисабз ҳудудини ўрганишни таниқли олим М.Массон раҳбарлигида 1964 йилда бошлади. 1990 йилларгача собиқ шўро тузуми даврида Шаҳрисабз ёши 1500 йиллар атрофида деб саналар эди. Академик Э.Ртвеладзе, профессор А.Сагдуллаев, олимлар О.Лушпенко, К.Урошев, З.Усмонова, Р.Сулаймонов, М.Ҳасанов, Н.Хушвақтов ва бошқа археологлар шаҳарнинг асл ёшини аниқлашда катта жонбозлик кўрсатиб иш олиб бордилар. Ва қадим шаҳарнинг ёши Туркманистондаги Марв, Эрондаги қадим шаҳарлар билан тенг эканлиги қайд қилинди. Нуфузли халқаро Ташкилот - ЮНЕСКО Шаҳрисабзни очиқ музей шаҳар сифатида тан олиши айниқса қувончли бўлди. Бугун ана шу катта ва шарафли тўйга, тантанага қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Шу кунларда Шаҳрисабз катта қурилиш майдонига айланган.Кўҳна Кеш дунё саҳнида янгидан юз очаётир. Кенг кўламда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, бир сўз билан айтганда муқаддас манзилларни очиқ музейга айлантириш ишлари олиб борилаяпти. Бу ерда халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилади. Амир Темур майдонини ободонлаштириш, маданият саройини шарқона услубда қайта таъмирлаш, болалар учун дам олиш боғи барпо этиш, замонавий тижорат бозори, автошоҳбекат, темир йўл бекати, «Шаҳрисабз меҳмонхонаси» ва бошқа эътиборга молик жойларни жиҳозлаш кенг кўламда давом этмоқда. Ипак йўли кўчаси бўйлаб ўтган ичимлик ва оқова сув қувури тўлиқ алмаштирилади. Қадимги Ҳелак ариғининг шаҳар ҳудудидаги қисми қайта тикланади. Ёпиқ бассейн қурилиши ниҳоясига етказилади.

- Шаҳарни ободонлаштириш ишлари учун 2 миллиард 964 миллион сўм маблағ ажратилган, - дейди туман ҳокими Шомурод Ражабов. - Бу хайрли ишга ЮНЕСКО ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти. Оқсарой, Дор-ус-Саодат, Дор-ут-Тиловат сингари тарихий ва археологик мажмуалар асрлар ўтиши натижасида таъмирга муҳтож бўлиб қолган. Нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон меъморчилик санъатининг ноёб асарлари бўлган бу ёдгорликларни таъмирлашда республикамизнинг энг тажрибали, истеъдодли усталари, реставраторлари, халқ ҳунармандлари қатнашаяптилар. Шаҳар марказида сақланган архитектура иншоотлари орасида марказда қад ростлаган беш гумбазли Чорсу алоҳида аҳамиятга эга. Қадимий Карвонсаройда эса ҳунармандлар устахонаси очиш учун сўнгги ишлар тугатилмоқда. Шаҳрисабзнинг қадимий ўрни - Узунқир, Сангиртепа ва Подаётқтепада қидирув ишлари давом эттирилаяпти.

Катта тўй арафасида улкан иншоот - муҳташам «Оқсарой тўқимачи ЛТД» қўшма корхонасининг ишга туширилганлиги катта воқеа бўлди. Шаҳрисабзликлар «Оқсаройимиз иккита бўлди» деб фахр билан айтмоқдалар.Корхона бир йилда 4800 тонна ёхуд 2800 тонна ипак калава, 200 тонна хом трикотаж полотнолар тайёрлайди.Шуниси яна ҳам диққатга сазоворки, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 100 фоизи экспорт қилинади.

- Собиқ иттифоқ даврида давлатимиз пахтанинг ўзини экспорт қилар эди. Не қийинчиликлар эвазига етиштирилган бойлигимиз жуда кам фойда келтирар эди, - дейди қўшма корхона бош директори Зайниддин Боқиев. - Четга хомашё ўрнига тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар экспорт қилишимиз натижасида ҳар йили катта даромад қиламиз. Корхонамиз ишга тушгач 640 киши иш билан таъминланланди. Уларнинг аксарияти ёшлар.

Дунё билан юзлашаётган кўк шаҳарнинг келажаги янада порлоқ. Унга асло кўз тегмасин. Хайрли ишларнинг умри боқий бўлсин!

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

ОЛАМ ТУРФА

МИСР:

23 ХОТИНИ БОР ЭР ҲИБСДА

58 ёшли Фавзи Маҳмуд Аль-Баҳави, Мисрнинг Александрия шаҳрида истиқомат қилади ва мебель савдоси билан шуғулланади.

Ливан радиоси хабар қилишича, сўнгги 10 йил мобайнида у қалбаки ҳужжатлар асосида ёш қизлар билан никоҳдан ўтган. Фавзи уйланган қизларнинг кўпчилиги Миср қонунларига биноан ҳали балоғатга етмаган, яъни 16 ёшга ҳам тўлмаган экан. Судда келтирилган фактлар «қони қайноқ қуёв» аксарият холларда камбағал оилалардан чиққан қизларга уйланганлигини кўрсатади.

Аммо Аль-Баҳавининг ҳибсга олинишига асосий сабаб унинг шариат қонунларига зид ҳолда тўрттадан ортиқ хотинга бир вақтда уйланганлиги экан. Дарвоқе, январда Мисрда бир вақтнинг ўзида 29 хотини бор эр етти йилга жазоланган экан.

ФРАНЦИЯ:

МЭР ШАҲАРЛИКЛАРНИНГ ЎЛИШИНИ ТАҚИҚЛАДИ

Ўрта ер денгизи соҳилида жойлашган француз шаҳарчаларидан бирининг мэри маҳаллий қабристон тўлиб кетгани туфайли «аҳолининг ўлишини тақиқлади».

Бандалик қилганларни кўмишга жой топгунга қадар бу дунёни тарк этмай туриш тўғрисида бундай ғайритабиий буйруқ берган мэр ким экан дерсиз? Суд денгиз соҳилида янги қабристон учун жой ажратиш ҳақида қарорни бекор қилгач Де Леванду шаҳарчаси маъмурияти раҳбари Жиль Бернардо фуқароларни ўлмасликка чақиришдан бошқа чора қолмаганини таъкидлаган.

РОССИЯ:

МОЛЛАР УЧУН ЖАРИМА МАЙДОНЧАСИ

Россиянинг Кемерово вилоятидаги шахтёрлар шаҳарчаси Березовскийда айнан ана шундай майдонча «очилди».

Кўчалар ва майдонларда дайдиб юрган моллар ушбу жарима майдончасига келтирилиши ҳақида қонунни депутатларнинг шаҳар кенгаши қабул қилибди.

Қонунга биноан ўз уй ҳайвонларини қаровсиз ҳолда ташлаб қўйган эгалар қидириб топилгандан сўнг, улардан нафақат жарима пули, балки кўрсатилган ветеринария хизмати, моллар ва ем, улар эгаллаб турган ер ва бошқа хизматлар учун ҳақ ҳам ундирилиши кўзда тутилган.

Ақл дурдоналари

Ривоят

«СОЗ БИЛАН ДАВОЛАНГ...»

Ал-Хоразмий Бағдодга келгач, шаҳарнинг олиму фузалолари уни имтиҳон этибдурлар:

- Тиббиётда даволанишнинг уч тури бордур, сизга аларнинг қайси тури кўпроқ хуш келади? - деб сўрашганда, ал-Хоразмий:

- Бизда даволашнинг уч эмас, тўрт тури бордур:

Бири сўз, дору бири, кескир пичоқдир биттаси,

Даги Хива мулкида машҳур эрур сознинг саси...

Менга ана шу тўртинчиси, яъниким, соз билан даволаш усули кўпроқ хуш ёқади, - деб жавоб берган экан.

Нақл

АШУЛА ЭШИТИБ, ЮКИ «ЕНГИЛЛАШАДИ»

Бухоройи шарифдан амирнинг даъвати билан Хивага мақом усталари ташриф буюрганлар. Феруз меҳмонларни иззат-икром билан кутиб олиш тадоригини Комил Хоразмийга топширган ва улар шарафига берилган шоҳона базмда шахсан ўзи қатнашган. Гурунг бир жойга борганида, хон меҳмонлардан:

- Соз бўлсинми? - дея сўраган.

- Соз бўлса, «Соз» бўлсин, - дейишган улар.

Феруз аввал меҳмонларга, сўнг Хиванинг зукко созандаю гўяндаларига маъноли қараб:

- Нима чаласизлар? - дебди.

- Ихтиёрингиз, хон ҳазратлари: «Рост» чалсакмикан?

Феруз меҳмонларга юзланиб:

- «Рост» чалишсинми? - дея сўрабди.

- Рост бўлса, «Рост» чалишсин, - дебди меҳмонлар.

Меҳмонларнинг бу илмоқли истаги хонни бағоят мамнун этган ва у ҳам завқ билан созандаларига буюрган:

- Рост бўлса, «Рост» чалингиз!

Бу нақлдаги сўз ўйинининг маъносига тушуниш учун ёшларимиз ҳеч бўлмаганда «Рост», «Бузрук», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ» ва «Ироқ» деб аталувчи мақомларнинг номларини билишлари лозим.

Б.Бобожонов тайёрлади.

Эй дил эшит мендан ҳикматли сўз,
Оқиллар мероси - узуқдаги кўз.
Абдураҳмон ЖОМИЙ

Ҳар ким устоддан қочган замонда,
Давлат муроддин қочар жаҳонда.
Жалолиддин РУМИЙ

Кимки чиқса остонасидан
Дуо олсин ўз онасидан
ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛИ

Отангни, онангни севинтир тамом,
Бу хизмат еткургай тилакка мудом.
Юсуф ХОС ХОЖИБ

Сен авайласанг қарини,
Тангри сийлар барини.
ИБН СИНО

Нечун ишни қилмоққа қилсанг ният,
Мудом халқ ишини яхшилашга қарат.
Саъдий ШЕРОЗИЙ

Отангга, онангга ҳар на қилсанг яхшилик,
Кут болангдан яхшиликка яхшилик.

«ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ»ДАН

Билол АМИНОВ тўплаган.

(Охири. Аввали ўтган сонларда)

ДЕДИЛАР: Қайси бир хислат подшоҳлардан ёмон кўз, ҳасадчи ва душманларни узоқ қилади?

ДЕДИ: фазилат аҳли ва олимлар билан мажлис қилиб, уларнинг маслаҳатларидан яхшиларини олишлик.

ДЕДИЛАР: ботил нарсаларни келтириб чиқариб, ёмонликларга йўл очувчи хислат нима?

ДЕДИ: шубҳа, фоҳиш ва жаҳолат аҳли билан маслаҳатда бўлмоқлик.

ДЕДИЛАР: инсон аҳлининг ниҳояси нима?

ДЕДИ: охират масалаларини ўйлаганда бу дунё қадр қийматини ерга урмоқлик, омон натижаларга олиб борадиган лаззатларни кичрайтириб кўрсатмоқлик.

ДЕДИЛАР: одам учун қайси сифатлар улуғвор ҳисобланади?

ДЕДИ: ғазаб пайтида юмшоқ бўлиш; қудратга эга бўла туриб кечирувчан бўлиш; савобли ишларга юз ўгириш ва фоний дунё учун эмас, балки охират учун иштиҳод (ҳаракат қилмоқ) этмоқлик.

ДЕДИЛАР: қандай одамлар кўпроқ ҳимоя тараддудида бўлишлари керак?

ДЕДИ: қонхўр султон; кучли душман ва ёлғончи дўст.

ДЕДИЛАР: қандай айбларни ислоҳ қилиш қийин?

ДЕДИ: ўзига муҳаббат қўйишлик ва қайсарлик.

ДЕДИЛАР: қайси ишлардан биринчи галда қочмоқ зарур?

ДЕДИ: истаклардан келиб чиқадиганлардан.

Ануширвон «ал-масоил» (масалалар) китобини тугатгандан сўнг унинг ниҳоясида деди: ёшлигимда ақлга суяндим, илмга муҳаббатлик бўлдим, имкон борича ўргандим; энг доимий ва улуғ нарса эканлигига, унинг гўзал сифат, хайрул-умур эканлигига иқрор бўлдим. Илмни юксак сифатлардан деб билдим; ҳамдардлик энг фазилатлик иш экан; иқтисодлик бўлиш гўзал феъл, камтаринлик эса ҳамду саноларга лойиқ эканлигини тушундим, ишларимда Аллоҳга суяндим, у қандай неъматли ва гўзал асрагувчидир!

Махмудхўжа НУРИДДИНОВ таржимаси

Ибн МИСКАВЕЙҲ

«Жовизони хэрэд»

(«УМРИ БОҚИЙ ҲИКМАТ») АСАРИДАН

ЮРАГИМИЗНИ ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Бошлаб қўйган ишингизни охирига етказишда тўсиқларга дуч келасиз. Сиз ҳар доимгидек бирор чорасини топасиз.

СИГИР(22.0420.05)
Оила аъзоларингиз, яқинларингиз даврасида кўпроқ бўлишга интилинг. Кейинги пайтда улардан бироз узоқлашиб кетгансиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Узоқ йиллар кўришмаган дўстингизни учратасиз. Келгусида ўзаро ҳамкорлик қилиш эҳтимоли бор.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Шу кунларда кўчмас мулк билан боғлиқ муаммоларга қулай фурсат келгунча аралашмай турганингиз маъқул.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Шу кунларда кайфиятингиз кўтаринки. Шу кайфият билан анча юмушларни бажаришингиз мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Молиявий аҳволингиз тангроқ бўлишига қарамасдан сарф-харажат қилишингиз мумкин. Лекин харидингиз бефойда кетмайди.

ТАРОЗУ (23.09-22.10)
Шу кунларда омадингиз чопиб, кетмакет муваффақиятга эришасиз. Шуни унутмангки, ютуқларингизни кўролмайдиганлар ҳам топилади.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Дам олиш кунларини фақат ҳордиқ чиқаришга бағишланг. Кейинги пайтда жуда толиққансиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Келаси чоршанбагача оилавий можаролар қуршовида бўласиз. Яхшиси уларни бир варакайига ҳал қилганингиз маъқул.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Янги фасл Сиз учун янги имкониятлар билан бошланди. Имкониятлардан унумли фойдаланиш эса ўзингизга боғлиқ.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ёз бўйи ҳордиқ чиқаришга улгурмаган бўлсангиз, энди бунга умуман имкон бўлмаса керак, чунки ташвишларингиз жуда кўпайган.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Сизни олдинда муҳим масала кутмоқда. Уни ҳал этаётганда кўпчиликнинг айтганини эмас, кўнглингиз буюрганини қилинг.

Обидаларимиз

ТОШҲОВЛИ

ёки Оллоқулихон саройи ҳақида

Эҳтимол сиз Тошҳовли ҳақида қаердадир эшитгандирсиз. Хиванинг довруғини дунёга таратган бу қадимий обида аслида олис ўтмиш воқеаларига жонли гувоҳдир.

Тошҳовли - Хивадаги меъморий ёдгорлик, собиқ хон саройи. У Хива хони Муҳаммад Раҳим ўғли Оллоқуллихон фармойиши билан 1832-1838 йилларда Хоразмнинг машҳур усталари томонидан қурилган.

Сарой нима учун «Тошҳовли» деб аталади? Маълумки, Оллоқулихондан олдинги Хива хонларининг биронтаси ҳам бундай ҳашаматли ва салобатли сарой қурдирмаганлар. Сарой бутунлай мармартош ва пишиқ ғиштдан мустаҳкам қилиб қурилганлиги учун ҳам халқ уни «Оллоқулихоннинг Тошҳовлиси» деб юритишган. Ҳовли ва саройдаги биноларнинг эшик ва устунлари қаттиқ ёғочдан бўлиб, ўймакорлик билан нақшланган.

Тошҳовлидаги биноларни қуришда Хоразмнинг энг талантли ва тажрибали усталари - тош йўнувчи, бадиий безак берувчи, ёғоч ўймакорлиги, ганчкор, ғишткор, наққош, кошинкор, бўёқчилар фаол қатнашганлар. Қурилишда асосан маҳаллий қурилиш материаллари - ёғоч, пишиқ ғишт ва ганчдан фойдаланилган. Сарой пойдевори учун зарур бўлган тошлар Юмри ва Султонбобо тоғларидан ўнлаб-юзлаб ҳашарчилар ёрдамида от-аравада ташиб келтирилган. Кечаю кундуз тинимсиз олиб борилган қурилиш ишларига Хиванинг машҳур устаси Тожи Нурмуҳаммад бошчилик қилган. Замонасининг тажрибали усталари - Муҳаммад Ёқуббой ибн Юсуф Меҳтар, Қаландар Хивакий ҳамда машҳур наққош Абдулла Жиянлар ҳам сарой қурилишида қатнашганлар.

Хиванинг донгдор усталари бунёд этган бу саройнинг деворлари кошинлар билан қопланган, ёғоч, тош ва ганч ўймакорлиги, бўяма нақшлар билан жуда моҳирона безатилган.

Саройнинг улкан дарвозасининг қўш

Тошҳовли айвони кўриниши

тавақаси содда геометрик нақшлар билан безатилиб унга темир қуббачалар жойлаштирилган.

Ҳар бир хонаси миллий нақшлар билан безатилиб, ўзига хос нақшлари билан бир-биридан ажралиб туради. Муҳташам меъморий бино асосан уч қисмдан - саломхона, меҳмонхона, ҳарамдан иборат. Бу улкан меъморий мажмуада 8 та каттакичик ҳовли бўлиб, улардан 163 та хоналар жой олган.

Йириклиги, катта майдонни эгаллаши жиҳатидан Тошҳовли Ўрта Осиёда энг салобатли, тенги йўқ сарой ҳисобланади. Бу ҳовлида асосан хон ва унинг авлодлари яшаганлар.

Ҳашаматли хоналарнинг айримларида хон оиласи яшаган бўлса, айримларида хонликнинг бошқарув идоралари, девонхона, элчихона, арзхона жойлашган. Шунингдек, мартабали меҳмонларни қабул қиладиган меҳмонхона, ошхона, зиёфатхона, дам олиш хоналари, хоннинг хазинаси, бойлиги, совға-саломлари сақланадиган хоналар мана шу муҳташам Тошҳовли саройида бўлган. Масалан, 22-хонада катта айвон бўлиб, унда мартабаси улуғ кишилар - элчилар қабул қилинган. Бу хонанинг ички деворлари сирланган кошинлар ва нақшли хатлар билан жуда моҳирона безатилган. Меҳмонхона айвонлари ҳам турли ранг кошинлар билан, шиплари эса жимжимадор нақшлар билан жуда гўзал қилиб ишланган.

Саройнинг 28-хонасида хоннинг катта амалдорлари ўтирганлар. Бу хонанинг ичи ганч билан сувалган ва ўймакорлик билан ишланган, шипларига турли гулларнинг расмлари чизилган.

Хуллас Саройнинг ўймакорлик ва наққошлик безаклари Хоразмнинг қўли гул усталари томонидан моҳирона бажарилган.

Тошҳовли саройи биноси 1922 йилдан музейга айлантирилган.

1983 йилда Тошҳовлида «Хоразм ҳунармандчилиги» музейи иш бошлаган. Бу ерда хоразмлик ҳунармандлар томонидан ишланган турли буюмлар кўргазмага қўйилган.

Тошҳовли биноси бир неча бор таъмирланган. Бу ишларни амалга оширишда Хоразмнинг машҳур усталари Ота Полвонов, Абдулла Болтаев, Худойберган Ҳожи, Каримберган Раҳмонберганов, Рўзимат Машарипов, Раҳимберди Матчонов, Воисов, Боғбековлар қатнашганлар. Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан (1997 йили) Тошҳовлининг ички ва ташқи қисми сифатли қилиб таъмирланган.

Сарой қурилиши йилларида ижод этган Огаҳий Тошҳовлига бағишлаб шеърлар ёзган. Унинг бир ғазалида шундай сатрлар бор:

Бўлиб андоқ бинокам селу офат,
Асосига етишмас то қиёмат.
Саройи қаери жаннатдек музайян,
Масарратга бўлуб даҳлизи маскан.
Бино ҳар сори топиб неча айвон,
Вале рифъат аро андоқки қайвон.
Фалакка бош чекиб ҳар ён неча тоқ,
Кўруб ҳайратда қолиб аҳли офоқ.
Бўлиб девори сарто пой коши,
Топиб зарҳал била тазйин ҳоши.
Бўлуб кошиси аслини саросар,
Топибдур лоҳуварди бирла зевар.
Эшиклар барча олтундин муламмаъ,
Суфалар барча гавҳардин мурассаъ.
Келиб ҳар бир уйининг сақфи заркор,
Кумушдин фарш ўлуб саҳнига ҳамвор.
Агар топмоқ тилаб андоқ иморат,
Фалак сайр ичра минг йил қилса сурьат.
Бўлур сайр айламакдин чарх ожиз,
Топа олмас оннинг мислини ҳаргиз.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.

Листьевнинг ўлимидан сўнгги тафсилотлар

МАШҲУРЛИКНИНГ ФОЖИАЛИ ҚИСМАТИ

Ҳозир Россия жамоатчилик телевиденеиеси(ОРТ)дагина эмас, бошқа каналларда ҳам кўнгилочар шоулар жуда кўп. Аммо яқин ўтмишга назар ташласак, улар орасида энг аввал кўпчиликка танилиб улгургани "Поле чудес" ("Мўъжизалар майдони") экани ёдга тушади. Ушбу кўрсатувнинг тез орада машҳур бўлиб кетишига унинг муаллифи ва дастлабки бошловчиси Владислав (Влад) Листьев сабабчи экани ҳам шубҳасиз.



"Қотиллар топилади ва жазоланади"...ми?

Бир қатор ўзига хос кўрсатувлар ва телевизион лойиҳалар муаллифи ва ташаббускори телевидение бизнесида поғонама-поғона кўтарилиб бораётган бир пайтда ваҳший қотиллар қурбонига айлангани ҳам кўпчиликка яхши маълум. Ўшанда мамлакат президенти Борис Ельцин мотам маросимига ташриф буюрган ҳамда жиноятчилар тез орада албатта топилиши ва жазоланишини айттан эди.

Ваганьково қабристонида Влад Листьев қабри ёнида аввалгидек янги узилган гуллар ва тасодифий ўткинчилар ёқиб қўйдиган шамлар пайдо бўлаяпти. Владни сўнги йўлга кузатганларига етти йилдан ошган бўлса-да, қабристонга юрак амри билан келиб турувчилар оқими ўзгармаган.

Бу йиллар ичида тергов гуруҳининг таркиби беш марта ўзгарди ва уларнинг ҳар бири терговни деярли янгидан бошлади.

Қотилликдан кейинок "Листьев иши" бўйича терговни Россия бош прокуратурасига қарашли муҳим ишлар бўйича терговчи Борис Уваров бошқарди. Унинг ҳисобида юздан ортиқ очилган жиноятлар бор эди. Листьев ишида ҳам баъзи натижалар пайдо бўлди. Лекин негадир Уваровни ишдан четлатишди...

- Аслида, биринчи кунларданоқ қотилни жазолашни талаб қилганларнинг ўзлари терговга тўсқинлик қилишган. Мисол учун, "ЛогоВаз"нинг собиқ бошлиғи Березовскийни сўроқ қилмоқчи бўлишди. Бир неча соатдан кейин у телевиденеда жанжал кўтариб, унга нисбатан нғво қилишганини айтди, - дейди Борис Уваров.

Ўттан 7 йил ичида юз томдан ортиқроқ жиноят иши ёзилди, бироқ қотиллик сценарийсини уюштирганлар номини тергов айта олмади.

Меросхўрлар

Унинг биринчи хотини Елена Есина Влад машҳур бўлиб кетгач, уни алимент тўлашга тортди. Айтишларича, Есинанинг "иштаҳаси" йил ўттан сайин ўсиб борган, аммо унинг жиноятга таллуқлилиги неботланмади.Владнинг ўлимидан сўнг уларнинг қизлари Валерияга (у ҳозир 19 ёшда) мероснинг саккиздан уч қисми – учта машина ("Вольво", "Мазда" ва ВАЗ-21093), Подмосковьедаги ер участкаси, Москвадаги 121 ва 69 метрли квартиралардан иборат қисми тегди. Боз устига қиз отасини фақат телевизордагина кўрган эди. Влад хотини ҳомиладорлиги вақтида боланинг ўзидан эмаслиги ҳақида гумонсирагани бунга сабаб бўлган эди.

Владнинг иккинчи хотини Татьяна билан ҳам турмуши кўнгилдагидек кечмади. Уларнинг биринчи ўғиллари Владик гриппнг асорати натижасида кўр ва кар бўлиб, 6 ёшида вафот этади. Листьев ичкиликка ружу қўйиши натижасида иккинчи ўғли Сашанинг туғилганига ҳам эътибор бермади.

Владни биладиганлар 1989 йили интизомсизлиги учун унинг "Взгляд"дан ҳайдалишига оз қолганини хотирлашади (ўша пайтларда у барбод бўлган иккинчи оиласига куярди).

Айни шу даврда унинг ҳаётида 25 ёшли рассом-реставратор Альбина Назимова пайдо бўлди. Бу ишқий муносабатлар унинг учун анча фойдали бўлди – у ичишни ташлади, ўзини тутиб олди. "Поле чудес" - "Мўъжизалар майдони" лойиҳасини очди ва тез орада эндигина яратилган "ВиД" телекомпаниясининг бош продюсери курсисига ўтирди. Владнинг ўлимидан уч йил ўттач унинг беваси Альбина Назимова учинчи марта турмушга чиқди. Альбинанинг бу галги умр йўлдоши... бу оиланинг азалий дўсти "ВиД" телекомпанияси режиссёри Андрей Разбаш эди.

Владнинг ўлимидан сўнг бошқа нарсалар қатори Альбина Назимовага "ВиД" телекомпанияси акциялари пакети мерос бўлиб қолди. Тақдир ўйинини қаранг-ки, Андрей Разбаш ҳам акцияларнинг анча-мунча фоизига эга эди ва бу гуёки "капиталлар қўшилуви" бўлиб кўринди. Ёш келин-куёвлар ўз акцияларини бирлаштириб, "ВиД"нинг йирик хўжайинига айланишди. Бунинг устига Альбинада ҳам "арзийдиган" сабаб – рашк бор эди. Миш-мишларга қараганда ўлимидан олдин Владнинг ҳаётида ёш ҳамшира қиз пайдо бўлган эди. Айтишларича, ҳамширани охирги марта Владнинг дафн маросимида кўришган

Телевидение дастурхонини талашиш

1995 йил 20 февралда ОРТ бош директори Листьев расман – ОРТни тижорат занжирларидан халос қилиш мақсадида рекламанинг барча турларига вақтинчалик мораторий киритди. Оқибатда реклама вақтини бошқарувчи реклама берувчилар олдида кўп миллионли мажбуриятларга эга С. Лисовский зиён кўрди.

Гумон қилишларича, Листьев томонидан қўйилган бу қадам олижаноблик ўйини эди, холос. У омадли бизнесмен Лисовский монополиясига қўл олайтирган дейишади. Миш-мишларга қараганда, шундан сўнг Листьев билан Лисовский рекламани бошқариш ҳуқуқи учун узоқ вақт савдолашганлар. Влад ОРТда реклама учун "ҳақ"ининг 170 миллион доллар бўлишини хоҳлаган. Лисовский эса 100 миллион бера оларди, холос.

Бу келишмовчиликлар замирида терговчилар Лисовскийни гумон қилинганлар орасига қўшишгани ўз-ўзидан тушунарли. Бироқ, бу тахмин ҳам чиппакка чиқди. Лисовский телевиденени тарк этиб, паррандашунослик билан шуғуллана бошлади. Тинчлик-омонликнинг баҳоси йўқ-ку.

Бора-бора телеюлдуз ўлими сабаби миш-мишлардан иборат бўлиб қолди. Кимдир Борис Березовский ОРТ бош директори ўрнида ўзининг ўша даврдаги иттифоқчиси Ирена Лесневскаяни кўришни хоҳлаганини эслади. Бу мансаб рекламадан тушадиган молиявий оқимни бошқариш имконини берар эди. Ўша йилларда унинг катта қисми нақд пул тарзида ҳеч қандай рўйхатдан ўтмай ва солиққа тортилмай келиб тушиши одатий ҳол бўлгани боис кўпчилик унга хўжайинлик қилишни истар эди. Шу жумладан, Березовский ҳам.

Листьевнинг ўлимидан бир неча кун аввал, ҳатто бир соат олдин ҳам уларнинг бир неча маротаба баҳслашганлиги тасодифий эмасди. Борис Березовскийнинг қотилликдан бир неча соат илгари Лондонга учиб кетиши ҳам алиби яратишга ўхшаб кетарди. Кейинроқ у Президент Ельцинга "Листьев иши"ни сиёсий гуруҳдан буюртма бўйича қилинган тижорат гуруҳга ўтказиш илтимоси билан мурожаат қилади. Унинг оташин нутқи натижасида Москва прокурори Геннадий Пономарёв ва унинг ўринбосари Владимир Панкратов ишдан бўшатилди. Орадан беш ой ўттач, терговчилар "ҳақиқий буюртмачилар" қаердалиги тўғрисида жамоатчиликни огоҳлантириб, Березовскийдан "қасд" олишади. Лекин эртасига улар сўзларидан қайтиб, ишдан бўшайдилар.

Березовский бу вақтда терговчиларни яна бир "қалтис" йўналишдан бошлайди. Гўёки қотиллик раҳбарлари махсус хизмат вакиллари ва А. Коржаков экан...

"Листьев иши"ни Россия собиқ бош прокурори Юрий Скуратов ҳаммадан яхшироқ билиши шубҳасиз. Бироқ у... жим. Тинчлик-хотиржамликка нима етсин?..

Машҳурахон ТЎХТАМИРЗАЕВА
Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Обуна-2003

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, Сизнинг содиқ йўлдошингиз -
MAHALLA
ГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Чоршанба - орзиқиб кутилган дамлар.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги,«Маҳалла»жамғармаси туман бўлинмаси Ф.ХУЖАЕВ номли маҳалла оқсоқоли Йўлдош ХАЛИЛОВга ўғли
Рустам ХАЛИЛОВнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

«Янгиси»дан бор...



Муштарий, сизда ҳам «янгиси»дан бўлса, бизга юборинг!

Ҳ.СОДИҚОВ чизган.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъҳаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ
Навбатчи: Инобат ИБРАГИМОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
Буюртма Г-626

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Топширилди 22-00